

“Микрокредитбанк” АТБ акциядорлари ДИҚҚАТИГА!

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2019 йил 22 ноябр куни, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй манзили бўйича “Микрокредитбанк” АТБ мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 10:00 да бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 9:00 дан бошланади. Умумий йиғилиш ўтказиш учун Банк акциядорлари реестри 2019 йил 18 ноябр ҳолатига тузилади.

ЙИҒИЛИШ КУН ТАРТИБИ:

1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши аъзоси ваколатини муддатидан илгари тугатиш.

3. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши янги аъзосини сайлаш.

4. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки устав капитали миқдорини ва эълон қилинган акцияларининг энг кўп миқдорини белгилаш.

5. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг эълон қилинган акцияларининг жойлаштириш усулини ва тақсимланишини белгилаш.

6. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки томонидан кўшимча акциялар жойлаштирилаётганда Банк акциядорларининг имтиёзли олиш ҳуқуқини қўлламаслик.

7. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг аффилиланган шахси билан тузиладиган битимни маъқуллаш.

8. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Уставига ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш ва тасдиқлаш.

9. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг Акциялар кўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорига ўзгартиришлар киритиш ва Акциялар кўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва (ёки) кўшимчалар матнини тасдиқлаш.

10. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг кўшимча акцияларини чиқариш ҳақида қарор қабул қилиш, кўшимча чиқарилаётган акцияларнинг жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартларини белгилаш ҳамда Акциялар кўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказилиши ҳақида хабар қилиш 2019 йил “30” октябр ҳолатига тузилган Акциядорлар реестри маълумотлари асосида Акциядорларнинг электрон почта манзилларига билдиришнома юбориш орқали амалга оширилади.

Акциядорлар Умумий йиғилишда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашади, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Йиғилиш ўтказиш бўйича қўшимча ахборот, унда кўриладиган масалаларнинг ҳужжатлари билан қуйидаги манзилга ва телефон рақамларига мурожаат қилиш ҳамда Банкнинг корпоратив веб-сайти (www.mikrocreditbank.uz) орқали танишиш мумкин.

Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй.

Тел: **71-202-99-99 (1015, 1170)**

Банк Кузатув кенгаши